

## ТАРБИЯ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

**Акрамова Дилдора Эргашевна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
кафедраси ўқитувчиси

**Давронова Жасмина Санжар қизи**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

**Аннотация:** Тарбияга тизимли ёндашиб унинг ўзига хос таркибий қисмлари, яъни тарбия турлари ва уларга мувофиқ тарзда шаклланадиган маданият турларидан ташкил топганлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** Тарбия, таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, фаолият.

## EDUCATIONAL SYSTEM AND ITS COMPONENTS

**Abstract:** A systematic approach to education shows that it consists of its own components, that is, types of education and types of culture that are formed in accordance with them.

**Key words:** Education, educational system, pedagogue, pedagogical activity, activity.

Таълим муассасаси – маърифий вазифаларни бажарувчи, ўзаро боғлиқ моддий (болалар, педагоглар, ўқув-техника воситалари) ва номоддий (ахборот) таркибий қисмларга, кириш (ахборот олиш) ва чиқиш (ахборот бериш) кўрсаткичларига, турғунлик, барқарорлик хусусиятига эга мувозанатлашган ва маърифий бошқарув органларига бўйсунадиган, ташқи муҳит билан алоқадор ва

ўзгарувчан очиқ тузилма, яъни ўзига хос таркибий қисмлардан ташкил топган педагогик тизимdir.

Тизимли (мажмули) ёндашув – педагогик объектларни тизим, мажму сифатида қараб чиқиши назарда тутувчи методологик асос. Тизимли (мажмули) ёндашувнинг бир неча даражалари фарқланади:

- 1) онтологик даражаси – тарбиявий мажму-тизимнинг асосий ва умумлаштирувчи тушунчалари;
- 2) гносеологик даражаси – тарбиявий мажму-тизимнинг таркибий қисмлари, мақсади, қайтар алоқалари ва ташқи муҳит билан ўзаро боғдиқлиги;
- 3) методологик даражаси – тарбиявий мажму-тизимнинг таркибий қисмларини рўёбга чиқарувчи, амалга оширувчи назарий моделлар;
- 4) праксеологик даражаси – энг мақбул назарий моделларнинг амалиётга татбиқи.

Тарбияга тизимли ёндашиш унинг ўзига хос таркибий қисмлари, яъни тарбия турлари ва уларга мувофиқ тарзда шаклланадиган маданият турларидан ташкил топганлигини кўрсатади.

Тарбия турлари ва уларга мувофиқ шакллантириладиган маданиятнинг таркибий қисмлари:

1. ақлий тарбия – шахсда ақлий-маънавий маданият асослари ва билиш-фикарлаш фаолияти, диалектик тафаккур ва ўкув меҳнатини тўғри ташкил этиш кўнилмаларини ривожлантиради ва ўқувчиларда ўкув меҳнати маданиятини шакллантиради. Ақлий тарбия – таълим олувчиларнинг ақл-заковати, билиш имкониятлари, иқтидор ва қобилияtlарини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2) ахлоқий тарбия – ахлоқий фазилатларни шакллантириш мақсадида ўқувчилар онги, ҳиссиёти, хулқ-атворига доимий маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатади ва ўқувчиларда ахлоқий тарбияланганлик ва ахлоқий маданият фазилатлари шакллантиради;

3) сиёсий тарбия – шахснинг сиёсий тизимга муайян муносабати ва сиёсий муносабатларга жалб этилганлик даражасини шакллантириш ва ривожлантириш орқали сиёсий тарбияланганлик ва сиёсий маданият шакллантирилади;

4) экологик тарбия – шахсда экологик билимлар, қадриятли мўлжаллар, хулк-автор меъёрлари ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалий фаолият кўникмалари ривожлантирилади ва шу орқали экологик тарбияланганлик ва экологик маданият шакллантирилади;

5) меҳнат тарбияси – ишлаб чиқариш тажрибаси, меҳнат кўникма ва малакалари ҳамда меҳнатсеварлик фазилатини ривожлантириш мақсадида ўқувчилар ижтимоий фойдали меҳнат турларига жалб этилади, касбга йўлланади ва меҳнат маданияти шакллантирилади;

6) нафосат тарбияси – ҳаёт ва санъатдаги гўзал ва хунук, кулгили ва фожиали ҳолатларни идрок этиш, ҳис қилиш ва баҳолашга қобилиятли ижодий фаол шахс ва уларда нафосат маданияти шакллантирилади;

7) жисмоний тарбия – болалар жисмоний маданият-спорт тадбирларига жалб этилади ва уларнинг спорт-соғломлаштириш фаолияти орқали жисмоний маданияти шакллантирилади;

8) фуқаролик тарбияси – ўқувчиларни ҳалқ, Ватан, жамият манфаатлари йўлида курашувчи фуқаролар этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён. Фуқаро – фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган, муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

- 1.Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
- 2.Akramova, D. (2022). BO'LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.

- 3.Akramova, D. (2022). Oliy ta'lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
- 4.Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.